



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2016-yil 16-sentyabr №38 (4385)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй. Сайловчилар сони – 1188763 киши. Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони – 1984247 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони – 1265163 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони – 844309 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Фарход” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 58-уй. Сайловчилар сони – 641380 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони – 1771067 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони – 2373738 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Сирдарё вилояти қасаба уюшмала-

ри ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони – 529810 киши. Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – 1-болалар мусика ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-«В» уй. Сайловчилар сони – 1581214 киши. Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони – 1943289 киши. Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони – 2417891 киши. Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Барқамол авлод” болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Гафур Фулом кўчаси, 1-уй. Сайловчилар сони – 1167263 киши. Хоразм вилояти чегараси доирасида.


13-Қашқадарё сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Ўзгеобурғунетгаз” акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони – 1984042 киши. Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони – 1742833 киши. Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь



НУРАФШОН МАНЗИЛАР

Бунёдкор ва бетакор элнинг, янгиликдан улғу олиб, янгилик яратадиган халқнинг фарзандларимиз. Соҳибқирон бобомизнинг айнан бунёдкорлик ишларига доир гапларини эсланг-а: “Қаерданки бир гишт олган бўлсам, ўрнига ўн гишт қўйдим”. Хабарингиз бўлса, Соҳибқироннинг буюк салтанати минг-минглаб қаҳиримга чўзилган. Йўлларни обод ва хавфсиз қилиш, ҳар бир шаҳарда кўркам бинолар барпо этиш ўша пайтлардаёқ аждодларимизга хос иш бўлган. Истиқлол йилларида ҳам она юртимизнинг Биринчи Президенти ташаббуси билан миллий меъморлик аъёнлари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган қатор-қатор иншоотлар юртимиз кўрқига кўрк қўшиб турибди. Яқинда ана шундай бунёдкорликлардан бири қисқа муддатда тугалланиб, Истиқ-

лолимизнинг 25 йиллигига муносиб тўхфа бўлди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида эни 19 метр, узунлиги қарийб бир километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Азим пойтахтимизнинг Нурафшон кўчаси ҳам исми жисмига монанд, кенг ва нурафшон бўлди.

Айни шундай хайрли ишлар боис, кундан кунга шаҳару киш-лоқларимиз чирой очиб, йўлларимиз равланмоқда. Йўл қанча соз бўлса, борар манзилимиз шунчалик яқин бўлади. Халқимизнинг савобли ишларидан бири — йўл қуриш, йўл созлаш, кўприк қуриш каби ўлмас қадриятлари тоабд дилларни дилларга, кўнгилларни кўнгилларга боғлайди, бугунги орзу-умидларимизни эса келажакка элтади.

ОР-НОМУСГА МУНОСИБ

Минг йиллардан бери ота-боболаримизнинг қон-қонидан ўтиб келадиган, асрлар ўтгани сари суяк суриб, миллатимизнинг жон-жонига сингиб кетган, жасур кишиларни сергак тортириб, номардларни сескантирадиган қадимий ва ўлмас бир сўз бор: “Ҳалол!”.

Замину замон, вақту макон мана шу биргина сўз теграсида чарх ураётгандек. “Ҳалол!” дейилдими, тамом! Демак, бу галаба дегани, ютдинг, дегани. Бу сўзнинг “Галаба” ва “Чемпион” деган ога-инилари бор. Музаффар сўзалар бир неча кунлардан буён элдошларимизнинг тилларию дилларида жарағлаб, ҳаётимизни янада нурафшон қилди

дейишга тўлақонли ҳаққимиз бор. Ўзбек фарзандларининг куч-гайрати, шижоату матона-ти олдида мухлислар яна бир қарра лолу ҳайрон қолди. Ватанпарварлигу миллатсеварлик, тугилиб ўсган табаррук тупроқнинг гурурию ори қандай бўлишини олам аҳли яна бир марта кўрди.

Гурур ва ифтихор

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида жамулжам бўлганлар неча маротабалар Ўзбекистон мадҳиясини тинглади, юртимиз байроғи баланд кўтарилганини кўрди. Спортчиларимиз билан бутун халқимиз бирга завқланди, ҳаяжонланди, майдонга кирди. Не-ча-неча кўзларда, кўнгилларда шукроналик ва шодлик, кексаларимиз “Халолнинг бўлсин!” дея чемпионларимизни дуо қилди. Фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган ота-оналар дилбандларини етаклаганча спорт тўғрақлари томон ошқабётгани ҳам чин. Қишлоғу овулларда, шаҳару кентларда, мактабу маҳалларда ўсаётган болалар “Мен ҳам спортчи бўламан, Ватанимнинг байроғини баланд кўтараман!”, дея аҳд қилгани уларнинг порлаб-чарақлаб турган юз-кўзларидан англаш мумкин. Чиндан ҳам, спортчиларимиз кўрсатган жасорат шижоати бутун бошли ёш авлодга катта мактаб вазифасини ўтагани шак-шубҳасиз.

XXXI ёғи Олимпия ўйинларида кўлга киритилган галабалар, шода-шода медаллар жарангининг завқу ҳаяжонлари дилларимиздан ҳали кетмай туриб паралимпиячиларимизнинг файрату мардликлари қувончимизга яна қувонч қўшди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Истеъдод мусаввирга қанот бағишлайди. Оддий устахонада, қоралама чизмалару турфа ранг қорилишлари бағрида дунёга келган асарлар санъат осмонида парвоз этиб, жаҳондаги машҳур галерея ва музейлардан жой олса, мухлислар эътирофини қозонса, ажабланманг. Зеро, санъат чегара билмас қудратта эга, у замон ва макон, миллату мамлакат танламайди. Моҳир мусаввир кўлига мўйқалам олди-ми, демак, албатта, мухлисини топади. Шу йилнинг ёзида таниқли ўзбек rassomi Ортиқали Қозоқовнинг Парижда очилган шахсий кўргазмаси билан танишган хорижлик санъат ихлосдонлари ҳам буну ҳис қилишгани аниқ. “Ўзбекистоннинг ёрқин ранглари” деб номланган ушбу намоиш рассом ижодида муҳим воқеага айланиб, қизиқарли мулоҳазалар, бой ижодий таассуротларга эврилди.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ:

ҚУЁШ БОЛАСИМАН ДЕСАМ ҲАҚҚИМ БОР

Париж ҳақида сўз борганда, рассомлар юрагини ҳаяжон босиши рост. Дунё санъатининг кўзгусига айланган бу азим шаҳарда мўйқалам аҳлини ўзига чорловчи сеҳрли жозиба бор. Ҳар бир мусаввир, албатта, Парижда шахсий кўргазмасини ташкил этишни орзу қилади. Ҳолбуки, Франция пойтахтида кўргазма ўтказиш ва рассом сифатида эътироф қозониш учун икки алоҳида чўққи-

ни забт этиш зарур. Чунки, бу ерда рассомни энг талабчан санъатшунослар ва ашаддий рангтабир ихлосмандлари кутиб туради.

Парижда кўргазма ўтказишни тақлиф қилишганида, аввалига, иккиланганими яширмайман. Тўғри, жаҳон санъатида кечаётган изланишлар, янги ижодий аъёнлар мен учун бегона эмас. Ўтган йиллар давомида Германия, Туркия, Корея, Англия, Япония, Юнонис-

Ўзбекистон ва жаҳон

тон, Ҳиндистон, Миср, Италия сингари кўплаб мамлакатларда шахсий кўргазмалар ташкил қилдим. Шунга қарамай, навбат фаранглар юртига келганда, узоқ ўйладим. “Янги кўргазмам аввалгиларини қайтармайдими?”, деган хавотир сира тинчлик бермасди. Ниҳоят, кўргазмам илгари намоиш қилинмаган янги туркумдаги асарларим асосида тузишга қарор қилдим. Уларнинг салмоқли қисми сафарга тайёрлик қилиш жараёнида яратилди. Аммо ҳаяжон туйғуси ҳамон юрагимни тарқ этмади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” самолёти Шарль де Голль номидаги аэропортга қўнаётган чоғда ҳам, ҳаёлимда турли саволлар айланарди. Туйқус, улкан тайёранинг олиб бораётган соясига кўзим тушди... Беҳишёр мавлоно Румийнинг осмондаги қушнинг ердаги соясини сайд қилишга уринган овчи ҳақидаги ҳикмати эсладим. Тушундимки, фақат ўткинчи нуфуз ва обрўга эришиш мақсадида Парижда йўл олган рассом ҳам қўлангани таъкиб қилиб, умрини беҳуда совуракан. Асл эътирофни нишонга олиш учун эса майда хавасларни унутиб, юксакка зарар солиш лозим.

Давоми бешинчи саҳифада.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЭНГ ҚИММАТ МЕРОС

Жаҳонда бири бириндан жарангдор, бири бириндан кўтаринки шорлар кўп. Атрофга назар ташлаб, ер юзининг гоҳ у, гоҳ бу минтақасидаги бесаранжомликларни ички беизиллоқ билан кузатаркансан, бошингда ўз-ўзидан бир ўй пайдо бўлаверади — оиланг-дагилар даврасида хотиржам тамаддиланиб, дастурхон йиғиштирилаётганида: “Омин! Тинчлик, омонлик бўлсин!” деб айтилгучи одмигина дуодан ҳам эзгүроқ шир бормикин бу очунда?

Ҳар бир элатни гўзал манзиллар, қувонарли ютуқлар, чексиз фарағатлар сари элтгучи йўлларнинг барчаси Тинчлик деб аталмиш одмигина сўқмоқдан бошланади. Бирон бир жойда машина чиқаришдан манфаатдор зўравонларнинг, ўз чўнтагини қаппайтиришни минг-минглаб оддий кишилар ҳаётдан устун қўвчи бир ҳовуч оқофатларнинг кўтқусига учиб, ўша нажот сўқмогини йўқотиб қўйган айрим қавлар мислсиз кўргиликларга дучор бўлаётганини бутун дунё кўриб турибди. Телевизорни ёқсанми, газетани варақлайсанми, интернетга кирасанми, икки гапнинг бирида буниси унисидан совуқ хабарларга йўлиқавера-

сан, буниси унисидан даҳшатли манзаралар олдиндан кўндаланг чиқаверади. Гоҳ бўғриқиб кетасан, гоҳ кўзинг намланади.

Бу не бедодликки, асрлар давомида бунёд этилган кўркам-кўркам шаҳарлардаги осмон-ўпар иморатларнинг, ноёб иншоотларнинг, неча-неча хонадонларга риққ улашиб келган катта-кичи қорхоналарнинг, касалхоналарнинг, мактабларнинг, боғчаларнинг ўрнида қаровсиз қабристонни эслатувчи вайронлар қолган бўлса? Бу не кулфатки, кеча битта бозорда очик юз билан олди-сотди қилиб юрган юртдошлар бугун гурӯҳларга бўлиниб, бир-бирига ўқ ота бошласа? Бу не фожиакки, миллат фахри бўлган қадимий обидаларнинг кули кўкка совурилиб, музейларидаги нодир-нодир ёдгорликлар қароқчиларча талаб кетилaversа, ўзига хос бир элатнинг минг йиллик қадрияти, маънавияти аёвсиз тарада оёқости қилинаверса? Бу не хўрликки, юз минглаб одамлар жон ҳовучлаганича уйини ташлаб қочиб, бегона мамлакатларда сарсон саргардон бўлиб юрса?

Бугуннинг гапи

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Шарифа САЛИМОВА

СЕХРАЛИ ДИЁР

Зангор денгиз янглик чайқалар далам, Райҳонга сув сепар келинчақлар ҳам, Боғингда олмалар юзлари тарам, Ширмой нон узилар ўчоқларингдан.

Оллоҳ назар қилган сеҳрли диёр, Дунёни титратган даҳоларинг бор, Тупроғинг зарраси жонимга тумор, Юз чайғум иймондек қирғоқларингдан.

Бугун олтин тожли Алпомишим сен, Қодирий ҳам ўзинг, ҳам Кумушим сен, Зарларга беланган Ҳумо қушим сен, Дунё гул огушлар кучоқларингдан.

Ватан, онажоним, жону жаҳоним, Кўксиди ўстирган фирдавс маконим, Мангу завод билмас Ўзбекистоним Ватан, айланайин тупроқларингдан!

МЕХР

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар, Дилда борин айлар ўзича талқин. Мен сени куёб деб, тордим хижолат, Васфинга минг қалам ожиздир, халқим.

Кўҳиқоф тоғларин залворлари ҳам Азамат елканга кўндирмас губор. Муқаддас тупроғинг зарраларида Улуғ ажлодларинг битиклари бор. Ватанлар йўғракда ҳали тиш чиқмай, Она алласини кўрганида туш. Сен Ватан тимсоли, номуси бўдиб, Кўёшга қўл чўзган она Тўмарис. Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар, Кўшиқлар битида ёна ва ёна. Она Ватан меҳрин сокин сўзлайди, Амир Темур ётган улуг хилхона. Шоирлар кўксиди гувиллар дарё, Ҳар бир гиёҳ унга айтиб турар шеър. Дарёлар куйилган уммон кўксиди Сўз дурларин сочар улуг Алишер. Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар, Сен — Она! Онадан ҳеч ким тополмас. Юрагимда ўсган улкан дарахтни, Кўксимдан сугуриб ҳеч ким ололмас.

ҲАР ЗАРРАДА...

Нечун бунча ям-яшил боғлар Самодаги булут бунча оқ.

Ботаётган қуёш нурлари Нега қондан кўра ёрқироқ? Тоғлар нечун қаддини букмас, Нечун боши этик мажнунтол. Шунча юксак бўлса ҳам нечун Ийманали бизлардан хилол? Дарё нечун бир сўз айтмасдан Оқаверар абадиятга. Сир-синаот тўла бу дунё Солаверар бизни ҳайратта. Яшилланиб солланар боғлар Қайдан шунча илоҳий виқор. Кўкдан келар шунда бир садо: Ҳар бир баргиди... Яратган пинҳон, Ҳар зарранинг ўз ҳикмати бор.

ДУР СОЧИБ, ИНЖУ СОЧИБ...

Дур сочиб, инжу сочиб, шўх куйлашар фавворалар, Мисли қўлда гул тугиб, бийрон югурган болалар. Йўқ, улар ёш боламас, сочи белига чулғониб, Кокилин сув ўйнаётган ул пари рухсоралар. Ой билан офтоб юзига

термулиб ҳайронадир, Ой ё офтоб нурими нурдан ўрилган толалар. Ерни суйган ул кумуш юлдузми бу, биз билмаган, Кўкда мафтун термулиб, жилва қилар сайёралар. Она ернинг кўксидан кўкка отилган куй эрур, Соҳира чолгусин излаб неча дил овворалар. Шоир, сен ҳам сўзинг айт, бул Ватан инжусига, Дил ёниб, инжу сирин оппоқ қоғозга қоралар.

Ш.САЛИМОВА 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факултетини тугатган. Шоиранинг "Ҳаёт завқи", "Менинг баҳорим", "Хизр булоғи", "Оҳ, атиргул" каби шеърӣ ва таржима китоблари чоп этилган.




ВАТАН

Ватан, айланайин тупроқларингдан, Соя-салқин берган яроқларингдан. Мен дарё кўксиди Ватан кўрдим, деб Чўққидан отилган ирмоқларингдан.

Қалдирғоч валфажр айтади сайрон, Тумшугин интилиб чўзар полапон, Вассажуфтин уйинг айлагач макон, Қалдирғоч ризқ тутар урвоқларингдан.

Музаффар АҲМАД, Қорақалпоғистон халқ шоири

ХОСИЯТЛИ ДУОЛАР



ХУЛОСА

Ҳаёт шундай доно! Ўз ҳикматларин Инсонлар кўнглига жойлайверди. Мозий ва келажак башоратларин Момолар тилидан сўйлайверди.

Жим қол, эй табиат, Жим қол, эй башар, Томоша қил ҳикмат жиллоларини. Қулоққа сиргадай тақсанг ярашар Ўзбек кампирларининг дуоларини!

ОТА

Бу ҳаётда ҳамма фахр, эҳтиром билан тилга оладиган бир сўз бор: Ота! Энг мўътабар, энг табаррук инсон бор: Ота!

Ўзбекчиликда ота ҳамиша улуғланган, ҳаммиса қадрланган. Ота оилада бош ҳисобланган. "Ҳа"си — ҳа, "Йўғ"и — йўқ, деб қабул қилинган. Дастурхонга аввал Ота қўй узатган...

Кимнинг ўғлисиз?, Кимнинг қизи бўласиз? — деб сўрашади халқимизда. Сиз эса қадрдон отангиз исмини тилга олсангиз, билсангиз, энг бахтли саволга энг бахтли жавоб шу. Ота фарзандини бағрига босиб, ўлиб-эр-калаб, бошида кўтариб, пешонасини силаб минг бир яхши ниятлар билан вояга етказди. Топганини уйига ташийди. Бир бурда нони билан боқади. Тирикдирки, ўзимга демайди. Боламга, болани боласига деб яшайди. Тўйга бориб тўйиб емаган, кўйнига тўрт дон қанд солиб келган. Ўғлини уйлантиргандан сўнг уй ҳам солиб берган. Қизини узатиб ҳам тинчимаган. Кириб келса кўзига қараб турган. Халқимизда Ота рози — Худо рози, дейишади. Шу боис ўғил уйлаша ҳам, қиз узатиша ҳам Ота дуосини олишади...

Савоб, савоб иш деймиз. Бу ҳаётда энг савобли иш — отани йўқлаш, дуосини олиш. Бир пиёла чой узатиб куллуқ қилиш, хизматиға "лаб-бай" деб туриш. Отангиз раҳмат, деган савобни олиш. Буни билганлар бор, билмаганлар ҳам йўқ эмас...

Одамлар отам ҳамиша ҳаёт, ҳамиша ёнимда, ҳеч қачон оламдан ўтмайди, деб ўйлашади. Тирикликни ганимат — омонат эканлигини унутиб қўйишади. Отани ўзи эмас, оддий бир шарпаси, излари азиз, босган йўллари табаррук... Қабрини тўйиб-тўйиб қўчинг. Сарғайган расмига термулиб йиғланг, йиғлаб термулинг... Отам номи ўчмасин десангиз, отангизнинг дўстларини йўқланг, қилган ишларини қадрланг, улар билан ҳамсуҳбат бўлинг.

Жаннат оналар оёғи остида, дейилади ҳадиси шарифда. Оталар эса жаннатнинг энг тўридадир, турфа му-

наввар бўйлар уфурган боғидадур. Кўргоним, қалқоним — отам.

ЁНМА-ЁН

Ёнма-ён сўзи кўнгилга ҳамиша яқин, ҳамиша ёқимли. Қани эди бу ҳаётда ҳамиша ёнма-ён юрсак, турсак, яшасак...

Қикир-қикир кулаётган болақай кўзи

Абдурахим БОЗОРБОВ

ИССИҚ НОН ИССИ

ОСМОН

дадил қадам ташласа ҳам бир қўлида онасининг, яна бир қўлида отасининг қўлидан тутиб, улар билан ёнма-ён юрсагина ўзини эркин ҳис қилади. Энг қувончли дамлар...

Болақайлар мактабга доимо бирга, ёнма-ён боришади. Бир партада ёнма-ён ўтиришади. Сафларда ёнма-ён қўл ушлашиб юришади. Ҳатто ёнма-ён туриб суратга тушишади. Ёнма-ён юришини улар бегубор болалик деб билишади.

Ёш келин-куёвлар ҳамиша бахтли, ёнма-ён юришса ундан-да бахтли. Улар шундай туриб никоҳдан ўтишган. Катта базм даврасида ёнма-ён туриб сўзга чиқшган,

Одамлар маҳаллаларда бир-бирлари билан ёнма-ён, кўни-қўшни бўлиб яшашади. Бир кун кўришишмаса бир-бирларини дарров сўраб қолишади. Қаерга боришмасин кўшинини сўрашса дарҳол "Нега танимай, ахир ёнма-ён яшаймиз-ку", дея фахр билан гапиршади.

Халқимизда эр-хотин — қўш хўкиз деган ҳазиломуз гап бор. Бу нақл ҳам ёнма-ён яшаш дегани.

Бу ҳаётда ёнма-ён сўзи армон бўлганлар ҳам бор. "Қани эди, ўша қиз билан бир дақиқа ёнма-ён турсам", дея орзу қилади ошқ йигит. "Урушга дўстим билан бирга бордик, — хотир-

лайди кексалардан бири. — Ёнма-ён жанг қилдик. Лекин ажал дўстимни танлади. Хамон ўша ёнма-ён юрган дамларни унута олмайман..."

Бу ҳаётда орзуларим мўл-мўл, баланд-баланд осмонча. Лекин энг, энг баланди бу тенгдошларим ичида тенг, ёнма-ён юриш, ёнма-ён яшаш... Мен ҳаётни узун йўлакчага ўхшатаман. Истайман одамлар шу йўлакчада ҳамиша ёнма-ён юришин...

риллаб ёмғир ёғади. Ер шалаббо бўлади. Қор ёғади, ерни оқлик қоплайди...

Момоқалдирок гулдираб, чакмоқ чакқанда осмон ҳам қийналиб кетади, азобда қолади. Гўзаллигидан асар ҳам қолмайди. Худди ялмоғиз кампир сочини ёйгандек жуда-жуда хунук бўлиб олади. Ерининг осмонга раҳми келад шу дамлар...

Коронғу тушиши осмонда ажойиб бир гўзалликни намоен қилади. Шарқ томондан келинчак ой мўралайди. Гоҳо-гоҳо юзидаги қора доғи кўришиб қолса ҳам ошқлар унга ўз сирларини айтишаверади... Атрофда юлдузлар жимир-жимир этади...

Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин...

СУРАТ

Ҳар хонадоннинг уй альбоми бор. Уни ҳамиша авайлаб асрашади. Ҳар бир варағини эҳтиётлаб очишади. Суратки, унда ўтган кунлар, ўтган умр бор...

Болалик. Ҳамиша кўнгли тўрида. Болаликдаги сурат эса... Мактаб, қўлда сумка, устоз билан ёнма-ён дамлар... Унутиб бўлмайдиган лаҳзалар...

Оилавий суратлар, бироз сарғайган. Кўзга ялт этиб ташланади. Ушал дамлар ёш эдилар. Бугун ҳаммаси навқирон, кўркам. Фақат-фақат ота-оналарга кексайган. Суратда эса ёш...

Қариндошлар сурати. Уларнинг қаеридир, нимасидир сизга ўхшаб кетади. Борди-келди бор эди, меҳр боғи эди. Улгайишгани баҳона бўлди, узоқлашишди. Фақат суратгина яқин бўлиб қолди...

Синфдошлар — сирдошлар. Энг

яқин, энг қадрдон эдилар бир-бирларига. Қўл бериб кўришишарди. Бугун эса тақдир уларни турли томонларга тарқатиб юборди. Дийдор — орзу. Сухбат эса — фақат суратда...

Дўст-дўгоналар, ҳеч-ҳеч узилмас узун ип эдилар. Шодликда — шерик, ғамда — ғамдош. Улгайишди, уйланишди, турмуш қуришди. "Уй-рўзгор" дейишди. Бугдой ерга сочилгандек сочилиб, тарқалиб кетишди...

Бу сурат эса... Беихтиёр кўзлар ёшланади... Йўқ, қувноқ одам эди, ўзгача эди. Биров унга ўхшамади, ўхшай олмади. Ҳозиргача ўхшагани учрамади. Рухи кўкда, сурати эса қўлда, кўнгида...

Сурат бу — кўнгли гулки.



БУҒДОЙ БОШОҒИ

Пастаккина, гувалали гиштдан қурилган уйимиз бўларди. Бир четида йиртиқ-ямоқ қолда бугдой турарди. Биз уни ҳамиша авайлаб асрадик. Боиси бутун тирикчилигимиз қолда эди-да. Ногоҳ қоп йиртиғидан бугдой тўқилса дарҳол териб олардик...

Эрта тонг. Шарқдан чиққан қуёш ўзининг заррин нурларини қишлоқнинг кенг бугдойзорлари узра аста таратади. Гоҳо-гоҳо узоқ-яқиндан учиб ўтаётган кушларнинг баланд-паст овозларигина бугдойзор узра

Ҳуснидан дунёлар ҳайратда, балким. Эрмак, бу дамларни тарк этма асло, Кетсанг, ҳижрон мени бағрига олар. Барча мўъжизадан айрилур дунё, Табиат миллион йил хувиллаб қолар...

БУЎБУЎ

Овози ялтироқ, ҳарир ва инжа... Булбул уйғотади мени ҳар кунин. Бу не наво ўзи, бу не мўъжиза, Нафаси — шудрингдан, гулдан — халқуми.

Унинг лаҳжалари тобора хуш-хуш, Тобора хижолат чекаман минг-минг. Нечун уялтирар мени митти қуш, Булбул сайвағдай не иш қилмин мен?

М.АҲМЕДОВ 1956 йилда туғилган. Низомий номидаги педагогика университетини тамомлаган. Шоир, таржимон, тадқиқотчи сифатида "Шарқ халқлари адабиётидан таржималар", "Икки дўст достони", "Уйланиш" каби ўндан ортиқ китоблари чоп этилган. Шоир Мустақиллик байрами арафасида "Қорақалпоғистон халқ шоири" унвони билан тақдирланди.

ҳукм сураётган сукунатни бузади. Майин эсган шамол эса бугдой бошқларини силаб ўтади...

Табиат ҳамиша инжиқ. Гоҳо ёш кизалоқдек қикирлаб кулса, гоҳо аразлаган келиндек юзини тескари бурлади. Ҳозиргина чарақлаб турган қуёш бирдан гойиб бўлиб, осмонни қора булут қоплайди. Қаердандир совуқ шамол келади. Шовуллаб ёмғир ёғади. Айрим нокиз бугдой бошқлари хўл тортиб ерга эгиллади.

Узоқдан одамларнинг овози эшитилади. Комбайн бугдойзор узра пишиқиради. Ховучлаб-ховучлаб қовушини донга тўлдирди. Бир дон дон ерга тушмайди. Юк машиналари биринкетин қатор бўлиб хирмонга йўл олади. Уларга одамлар ҳар доим ҳавас билан қарашади.

Савдо дўкони. Қоп-қоп ун чиройли териб қўйилган. Хоҳланг биринчи, хоҳланг иккинчи, хоҳланг олий навини танланг. Ихтиёр сизда. Бир оғиз сўзингиз... Бу тинчликдан, тўқликдан, бойликдан нишона. Аввал кўзлар тўйсин, сўнгра кўнгиллар... Қорин эса ҳамиша тўқ...

Хонадондаги тандирда олов шитоб билан ёнади. Унинг иссиғида бўрсилдоқ патир пишади. Келинчак нонларни бир-бир узиб саватга ташлайди. Кичкинтойи юғриб келса иссиқ қулча узиб пуфлаб-пуфлаб совутиб беради. Боласи қулча тишлаб ўйнагани чопади. Иссиқ ноннинг иси димоққа урилади...

Ўзбекининг тўйлари, маъракаси кўп. Келди-кетдию олди-бердиси кўп. Қаторлашиб келган меҳмонларини қўли кўксига қутиб олиши кўп. Дастурхони атрофида жойлари кўп. Ёши улуғларнинг қўл очиб қилган дуолари кўп... Нонлари кўп...

Мен бир бошоқ бугдой пойига тиз чўкиб таъзим қиламан. Бир бошоқ бугдой — болалигимдан қадрдон.

А.БОЗОРБОВ 1958 йилда туғилган. 1980 йили Андижон Давлат чет тиллар педагогика институтини тамомлаган. Халқ таълими аълочиси. 2010 йилда "Ёнингиздаги бахт" номли ҳикоялар тўплами нашр этилган.

